Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 125 (5716).
1 ИЮНЬ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида 1986-1990 йилларда РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ҳамда агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, партия ва ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ бу зонада қишлоқ хўжалигининг ва у билан боғлиқ тармоқларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, совхоз ходимлари ва колхозчиларнинг турмушини яхшилаш борасида талайгина ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга Россия Ноқоратупроқ зонасининг потенциал имкониятларидан тўлиқ фойдаланилаётгани йўқ, катта моддий-техника ресурслари ва бу ерда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш фондлари ҳали тежишли самара бермаяпти. Баъзи областларда ва автоном республикаларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш, капитал қурилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмаяпти.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг ушбу масала юзасидан қабул қилинган қарорида ўн иккинчи беш йилликда Ноқоратупроқ зонада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада интенсивлаш, қишлоқ хўжалик экинзорларидан оқилона фойдаланиш, ерларни мелиорациялаш, комплекс механизациялаш, химиялаш, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини жорий этиш, шунингдек меҳнат ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини анча ўстиришни таъминлаш вазифаси қўйилади. Қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда кадрларни колхоз ва совхозларда мустаҳкам жойлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор берилади. Уй-жойларни ва маданий-маиший объектларни, автомобиль йўллари тармоқларини қуришни илдам ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини телефонлаштириш, сув ва газ билан таъминлаш, қишлоқ аҳолисига медицина, савдо ва маиший хизматни яхшилаш кўзда тутилмоқда.

Сиёсий бюро РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ аҳолисини турмуш тобора ўзгартириш ва уни юксак даражада ривожланган қишлоқ хўжалиги районига айлантириш ғоят муҳим умумдавлат вазифаси эканлигини таъкидлади. Тегишли министрликлар ва идораларга, маҳаллий партия ва совет органларига улар ишидаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, Ноқоратупроқ зонанинг қишлоқ хўжалигини ва бутун агросаноат комплексини ривожлантириш суръатларини изчил жадаллаштириб боришни таъминлаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1986-1995 йилларда мамлакат радиоэшиттиришининг эшиттирувчи воситаларини ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорда радиоэшиттириш объектларини қуриш ҳамда янгилашнинг, янги ускуна ва приборларни ишлаб чиқиб, жорий этишнинг кенг программаси кўзда тутилмоқда. Бу эса шаҳар ва қишлоқ аҳолисини радиоэшиттириш билан тўлиқроқ қамраб олишни таъминлаш, стереофоник овозли радиоэшиттириш воситаларини ривожлантириш, барча шаҳарлар, район марказлари ва посёлкаларда уч программали эшиттириш системасини яратишни асосан тугаллаш, бу системани қишлоқ жойларда актив жорий этиш имконини беради.

Сиёсий бюро Москва метрополитенини янада ривожлантириш тўғрисида СССР Министрлар Совети тақдим этган таклифларни кўриб чиқиб, маъқуллади. Бу таклифлар пойтахт аҳолисига транспорт хизматини изчиллик билан такомиллаштиришга, ўн иккинчи беш йилликда метрополитенинг Москвадаги катта туррар-жой районларини шаҳарнинг саноат зоналари ва марказлари билан боғловчи янги линиялари қурилишини ҳамда улар фойдаланишга топширилишини таъминлашга, шунингдек метрополитенинг ишлаб турган линияларини реконструкция қилишга қаратилган.


Марказий Комитет Сиёсий бюроси ўртоқ М. С. Горбачевнинг Германия Социал-демократик партиясининг Раиси, Социалистик интернационал Раиси В. Брандт билан ўтказган суҳбати якунларини муҳокама қилди. Бўлиб ўтган суҳбат ҳозирги вазиятнинг космосни ҳарбийлаштиришга йўл қўйиб бўлмаслик тўғрисидаги масала, СССР билан АҚШ ўртасида Женевада ўтказилаётган музокараларда космик ва ядровий қуролларга оид проблемаларни бир-бири билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш принципига риоя этиб, реал силжишга эришиш зарурлиги каби принципиал проблемалари юзасидан КПСС ҳамда ГСДПнинг позициялари бир-бирига мос эканлигини кўрсатди. Европада ишончли хавфсизликни таъминлаш, кескинликни юмшатишга қайтиш ва шу қитъа мамлакатлари, жумладан СССР билан ГФР ўртасида нормал яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантириш хусусида иккала партиянинг позициялари бир-бирига яқин ёки ўхшашдир. Ҳар иккала партия тинчликни мустаҳкамлаш бошқа мамлакатларнинг ишларига ташқаридан ҳар қандай аралашувга барҳам берилишини, халқларнинг мустақилликка ва мустақил ривожланиш йўлига бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишни талаб этади, деб ҳисоблайди. Сиёсий бюро шуни қайд этиб ўтдики, халқаро вазият кескинлашган ва хатарли тус олган, тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашдан астойдил манфаатдор бўлган барча кучларнинг бақамжиҳат ҳаракатини кенгайтириш ва активлаштириш зарур бўлган ҳозирги пайтда КПССнинг Социалистик интернационал билан, социал-демократик ва социалистик партиялар, жумладан ГСДП билан алоқаларини давом эттириш ва ривожлантириш халқлар ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Сиёсий бюро Совет Иттифоқига визит билан келган Италия Министрлар Советининг Раиси Б. Кракси билан Совет раҳбарлари олиб борган музокаралар тўғрисидаги ахборотни тинглади. Бунда савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий алоқалар соҳасида икки томонлама Совет-Италия муносабатлари, шунингдек Европа ва жаҳон сиёсатининг энг муҳим проблемалари юзасидан сиёсий маслаҳатлашувлар ҳамда фикрлашувлар муваффақиятли ривожланаётганлиги қайд этиб ўтилди. Музокаралар халқаро аҳволга оид бир қанча муҳим масалалар юзасидан позициялардаги тафовутга қарамай, қуролланиш пойгасини тўхтатиш, айниқса, Европада ҳарбий қарамақарши туриш даражасини пасайтириш, кескинликни юмшатишни тиклаш, барча мамлакатларнинг суверенитети ва мустақиллигини қатъий ҳурмат қилган ҳолда тинч-тотув яшаш принциплари асосида давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликни ривожлантириш каби ҳаётий муҳим проблемалар хусусида СССР билан Италиянинг бир фикрга келиш имконияти ва истаги мавжудлигини тасдиқлади. Сиёсий бюро Италия билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ва сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш муҳим эканлигини таъкидлади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ички сиёсат ва халқаро ҳаётга оид бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА





МЕҲНАТ КЎТАРИНКИЛИГИ БИЛАН

Шу кунларда шаҳримиздаги ҳар бир меҳнат коллективи КПСС XXVII съездига тайёргарлик муносабати билан вужудга келган юксак кўтаринкилик муҳитида меҳнат қилаяпти. Бу кўтаринкликни «Ташхимсельмаш» заводи коллективи фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Республикамиз ва Тошкент шаҳри ишлаб чиқариш корхоналарининг ортиғи билан адо этиб, мажбуриятининг шараф билан бажарилишига ҳисса қўшишга интилаяпти.

Слесарь-йиғувчи В. Сорокин мазкур заводда 21 йилдан бери меҳнат қиладн. Ана шу вақт ичида бой тажриба тўплаган моҳир ишчи ўз касби сирларини ёшлар билан сидқидилдан ўртоқлашади. Шу кунгача у ўн нафар ёш ишчига мустақил ҳаётга йўлланма берди.

Н. Липатов бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси ҳам корхонада муносиб шуҳрат қозонган. Деҳқонларга жуда қўл келаётган ОПХ—28 пуркагичларини тайёрловчи бу коллектив смена топшириқларини ортиғи билан адо этади. Шу кунгача у ўн нафар ёш ишчига мустақил ҳаётга йўлланма берди.

СУРАТЛАРДА: слесарь-йиғувчи В. Сорокин; пешқадам бригада бошлиғи Н. Липатов; заводнинг тайёр маҳсулотлари.

Т. КАРИМОВ.
Автор фотолари.

Тонгги газеталарда

31 май куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев СССРга расмий дўстлик визити билан келган ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан учрашди.

Социалистик, коммунистик қурилишнинг бориши, КПСС XXVII съездига ҳамда ЧКПнинг XVII съездига тайёргарликнинг бориши ҳақида ахборотлар берилди. Иккала қардош партиялар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳат ликнинг юксак даражада эканлиги, давлат ва жамоат соҳаларида Совет — Чехословакия алоқаларининг интенсив характери мамнуният билан таъкидланди. Иккала мамлакат ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришга, Совет Иттифоқи ва Чехословакия халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга иккала томон интилаётганлиги изҳор этилди.

Учрашув КПСС билан ЧКП, Совет Иттифоқи билан Чехословакия муносабатларига хос бўлган тўла бирлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

Г. Гусак М. С. Горбачевни дўстлик визити билан Чехословакияга таклиф этди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

МЕЛИОРАЦИЯ — МАЪМУРЧИЛИК КАЛИТИ

Ўзбекистон сув хўжалиги ходимларининг меҳнат коллективларида КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа кенг кулоч ёзди. Бу мелиораторлар кунига бағишланган тантанали йиғилишда таъкидлаб ўтилди. Йиғилиш 31 май куни Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков доклад қилди.

Тармоқ меҳнаткашлари суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, Қарши ва Жиззах чўлларини, Қоровулбозор ва Қизилқум массивларини комплекс равишда ўзлаштириш программасини муваффақиятли амалга оширганликлари айтилди. Каналлар қуриш юксак суръатлар билан давом эттирилмоқда, мелиорация системалари реконструкция қилинмоқда, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари республика сувчилари мамлакат Озиқ-овқат программасини ва узоқ муддатли ирригация программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ваъда бердилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари В. П. Анишчев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Духанин қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

• Сабзавотлар — шаҳарликлар дастурхонига

ИШЧИЛАР ОШХОНАСИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

ёки шаҳардаги икки завод коллективини дала неъматлари билан таъминлашга турлича ёндошилаётгани ҳақида

Кеча трактор заводи ошхонасининг базасида сабзавотлардан таомлар тайёрлаш бўйича технологик конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко, Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари С. М. Юсупов, район партия комитетларининг секретарлари, район ижроия комитетлари раислари, республика пойтахти умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари иштирок этдилар.

Технологик конференция қатнашчилари яшил кўкатлардан салат, суюқ ва қуюқ таомлар тайёрлаш имкониятлари билан кўргазмали равишда танишдилар. Кўпгина тавсиялар, таклифлар изҳор этилди. Уларнинг амалга оширилиши шаҳарликлар дастурхонини янада ранг-баранг қилиш имконини беради. Бунинг учун эса шарт-шароитлар муҳайё — дала меҳнаткашлари мўл ҳосил етиштирдилар. Шаҳар умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари дала неъматларидан янада яхшироқ фойдаланиш учун ўзларининг бутун маҳоратлари ва билимларини сафарбар этишлари лозим.

- ИШЧИЛАРНИНГ ОШХОНАЛАРИДА ДАЛА НЕЪМАТЛАРИ ТЎКИН-СОЧИН БЎЛСИН.
- САБЗАВОТЛАРДАН ТАЙЁРЛАНГАН ТАОМЛАР ВА САЛАТЛАР ДАСТУРХОНДАН КЕНГ ЎРИН ОЛСИН.
- «ЯШИЛ КОНВЕЙЕР» УЗЛУКСИЗ ИШЛАСИН.

Қишлоқ меҳнатчилари шаҳарликлар дастурхонига дала неъматларини етказиб беришни кун сайин кўпайтирмоқдалар. Шу кунларда «дала-магазин» конвейери тўла қувват билан ишлаяпти. Бироқ, гоҳ-гоҳида тошкентликларни эртапишар сабзавот, кўкатлар билан таъминлашда узилишлар бўляпти. Бунинг сабаби нимада?

Биз тракторсозлар ҳузурига биринчи ва иккинчи смена алмашинуви пайтида келдик. Хизмат кўрсатиш ходимлари бу вақтга пухта тайёргарлик кўришди. Заводнинг кулинария ва масаллиқлар магазинида ишчи ва хизматчиларни сабрсизлик билан кутишаётган эди. Бу ердан тозаланган сабзавот, бодринг, карам, саримсоқ пиёз, салатларни харид қилиш мумкин. Бундан ташқари пештахтага хилма хил пиширилган маҳсулотлар, мева шарбатлари, ҳанқовбосди ичимликлар қўйилган. Харидорлар керакли маҳсулотларни целлофан пакетларга жойлаштириб олишяпти.

— Рафиқам қувонадиган бўлди, — дейди слесарь А. Ершов. — кечки овқатга керакли барча масаллиқларни харид қилдим. Завод ошхонаси менюсида кўкатлар кўплигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Бу ерда ҳар хил сабзавотлардан хилма-хил салатлар, шунингдек, хушхўр таомлар —ши, боршч, чалоп, карам дўлма тайёрланяпти.

Корхона территориясида жойлашган магазин пештахталарида ҳам шу куни дала неъматлари мўл эди. Ишчилар бу ердан бодринг, шивит, салат, петрушка, помидор, карам харид этишаётганди. Бу маҳсулотни заводга Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозидан етказиб беришган.

— Шундай сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари колхоз дўконида ҳам ҳамиша сероб бўлишини истаймиз, —дея ўз фикрлари билан ўртоқлашди 2-цехнинг штамповкачилар бригадири Т. Эргашев. — Лекин гоҳида сабзавот, кўкатлар хилма-хил бўлавермайди.

(Давоми 2-бетда).







СУРАТЛАРДА: Тошкент трактор заводи умумий овқатланиш хизмати ходимлари дала неъматларидан турли-туман овқатлар тайёрлаш мумкин эканлигини кеча кўргазмали тарзда намойиш этдилар. М. Нуриддинов фотолари.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

31 май куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида давлат мукофотларини топшириш маросими бўлди.

Ўн ва ундан кўп бола туғиб, тарбиялаган аёлларга «Қаҳрамон она» орденлари топширилди. План топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун ишлаб чиқаришнинг бир қанча илғорлари СССР орден ва медалларига сазовор бўлди.

Халқ хўжалиги турли тармоқларининг бир группа ходимларига, фан ва маданият арбобларига Ўзбекистон ССР фахрий унвонлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, республика Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Мукофотларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский топширди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Тошкент область партия комитети ҳузуридаги партия-хўжалик активи мактабида навбатдаги машғулот бўлди. Унда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари С. М. Нестеренко «КПССнинг кадрлар сиёсати. Раҳбарнинг иқтисодий ва маданий қурилишдаги роли» деган мавзуда доклад қилди.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Республика маҳаллий саноат министрлиги системасида «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчи жойларини аттестациялаш бўйича тажрибасини оммалаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. «Узмеспром» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида маҳаллий саноатнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишчи жойларини аттестациялаш бўйича тавсияномалардан иборат соҳа методик қўлланмалари тайёрланди, мутахассислар билан семинар ўтказилди.

●

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Д. А. Абдуллаев раҳбарлигида алоқа электротехника институтининг мутахассислари шаҳар телефон станцияларининг технологик жараёнларини автоматлаштириш бўйича қизиқарли ечимни ниҳоясига етказишдилар. Улар тайёрлаган ускуна ёрдамида барча шаҳар телефон станцияларини иши, шунингдек абонентлар телефонлари ҳолати назорат қилиб борилади. Бу ускуна бирор жойда носозликни аниқлаш билан ремонт бюросига дарҳол хабар беради. Бундай ускуна ҳар бири ўн минг номердан иборат бўлган учта телефон станциясига хизмат қилади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 26 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 11—13, эртага кундузи 27—29 даража иссиқ бўлади.

УЗБЕКИСТОН ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ МАРКАЗИ ХАБАР БЕРАДИ

ИЮНЬ ОЙИДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Июнь ойида ўртача ойлик ҳарорат пойтахт областида май ойига нисбатан 4—5 даража ортиқ бўлади ва 23—26 даража иссиқни ташкил этади. Кечалари ҳарорат баъзи ерларда 8 даражадан пастга тушади, кундуз кунлари эса 32—34 даража иссиқ, ҳатто 42 даражагача ҳам кўтарилиши мумкин.

Ёз фаслининг биринчи ойи бу йил меъёрига яқин бўлиши кутилмоқда. Ойнинг дастлабки кунларида салқин ҳаво сақланиб туради: кечалари 8—13, кундуз кунлари 24—29 даража иссиқ бўлади. Шундан кейин ёз ўзининг чинакам саратон палласига киради ва ҳарорат кечалари 15—20, кундуз кунлари 34—36 даража бўлади.

Учинчи ўн кунликда кундузи ҳарорат 37—40 даражагача кўтарилиши мумкин.

Июнь ойида ҳаво очиқ бўлади; 2—3 марта қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши мумкин.

• ЭРТАГА — МЕЛИОРАТОРЛАР КУНИ

ЧЎЛЛАРНИ БЎСТОН ЭТИБ



Алишер Навоий ва Усмон Юсупов кўчаларни кесишадиган жойдаги уч қаватли бу муҳташам бино тошкентликларга яхши таниш. Уни фақат пойтахт аҳолисигина эмас, балки қуёшли республикамизнинг барча районларида яхши билишади. «Узгипроводхоз» институти сув хўжалиги ва мелиорация объектларини лойиҳалаш бўйича етакчи ташкилотдир. Юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун институт коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг Эсдалик Кўчма Қизил байроғи топширилган. Бугун биз «Узгипроводхоз» институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор Т. Ж. Обидов билан учрашдик.

— **Турғун Жўраевич! Институтингиз коллективини, мелиораторларнинг кўп минг кишилик отрядини ва шахсан сизни мелиораторлар куни билан табриклашга рухсат этгайсиз. Одатда, касб байрамлари бўлганида босиб ўтилган йўлга бироз якун ясалади, олдинда турган вазифалар назардан ўтказилади.**

—Коллективимиз фаолияти сув хўжалиги билан бевосита боғлиқ. Сув хўжалиги муҳим соҳага айланди, экономиканинг тараққиётини узоқ тасаввур этиб бўлмайди. Бир ўлаб кўринг. Унинчи ва ўн биринчи беш йилликлар мобайнида республикамиз экономикасининг аграр секторига 20 миллиард сўм сарфланган бўлса, сув хўжалиги қурилишига ўн миллиард сўм сарфланди. Ҳар йили Ўзбекистонда 90 минг гектарга яқин янги ер қишлоқ хўжалиги оборотига киритилади. Бу ерда 230 дан ортиқ хўжаликлараро суғориш системаси, умумий узунлиги 160 минг километр бўлган каналлар, 23 та ички ва 5 та республикалараро аҳамиятга эга бўлган сув омбори ишлаб турибди. 3,6 миллион гектардан иборат бўлган суғориладиган майдонлардан қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 проценти олиняпти.

Ишнинг бундай миқёслари Ўзбекистоннинг энг кекса лойиҳа ташкилотларидан бўлган бизнинг институтимиз структураси ва вазифаларини белгилаб берди. Бугунги кунда институт таркибида ўнлаб ишлаб чиқариш бўлимлари, лойиҳа группалари, хўжалик бўлинмалари бор. Замонавий техника воситалари, мутахассисларнинг юксак касб даражаси ва катта тажрибаси коллективга сув хўжалиги олдида турган барча вазифаларни ҳал этиш имконини беради. Институт лойиҳаси бўйича ҳар йили 30 минг гектарга яқин майдон ўзлаштирилади, 35 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, 50 минг гектар ерни сув билан таъминлаш яхшиланади. 420 миллион сўмлик ҳажмидаги сув хўжалиги қурилиши ва қурилиш-монтаж ишлари лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминланади.

«Узгипроводхоз» лойиҳалари орасида сув омборлари, насос станциялари, йирик гидроузеллар, сув иншоотларини телемеханизациялаш ва автоматлаштириш бор. Институт мутахассислари ривожланаётган мамлакатларга ёрдам кўрсатишда фаол иштирок этишяпти.

Бугунги кунда институт ишидаги бош йўналиш КПСС Марказий Комитети октябрь (1984 йил) Пленуми қарорларини амалга оширишдан иборатдир. Шунга мувофиқ равишда биз бу йил республиканинг саккиз области бўйича ерларни мелиорациялаш схемасини тузишга киришдик. Бунда эски ўзлаштирилган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларда суғориш ишларини ривожлантириш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари ҳал этилади, суғориш тармоқларини реконструкциялаш кўзда тутилган.

Лойиҳа группалари икки йирик сув омбори — Сурхондарёдаги Тўпаланг ва Фарғона областидаги Сўх йирик сув омборлари қурилишининг ишчи чизмалари ва зарур ҳужжатларини беради.

— **Сиз замонавий техник жиҳозлашни эслаб ўтдингиз. Бунда нималар назарда тутилади?**

— Ҳисоблаш техникасини ўзлаштиришни, уни ишлаб чиқаришимизга тобора тезроқ жорий этишни кўзда тутаман. Бизда, электрон ҳисоблаш машиналарининг 20 га яқин комплекс программаси, бир нечта лойиҳалашнинг автоматик-технологик линияси ўзлаштирилди. Улар ёрдамида лойиҳаларни оптималлаштириш энг тежамли ҳисоб-китобларига амалга оширилади, энг тежамли ечимлар изланади. Ички хўжалик суғориш тармоқларини лойиҳалашнинг катта комплекс программаси ишлаб чиқилди. Қисқаси, планлаштиришдан тортиб, тайёр сметани беришгача бўлган барча вазифалар машиналар зиммасига юклатилади.

— **Газетхонларимиз институтингиз Тошкент области бўйича амалга ошираётган ишларни билишга жуда қизиқишади. Бу борада КПСС Марказий Комитети октябрь (1984 йил) Пленумидан сўнг қандай ўзгаришлар рўй берди?**

— Пойтахт области мелиоратив жиҳатдан анча қулай жойдир. Ўтган йилларда экин майдонларини кенгайтириш вазифаси турарди. Агар илгари, мазкур беш йилликни қўшган ҳолда, 15—20 минг гектар ер ўзлаштирилган бўлса, эндиликда мавжуд экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга катта эътибор бериляпти. Ун иккинчи беш йилликда фақат саккиз минг гектар кўриқ ўзлаштирилади. Лекин бошқа ишлар ҳажми кенгайди. 20 минг гектар майдондаги суғориш ва коллектор дренаж тармоқлари қайта қурилади. 25 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

— **Улкан «Сибирь — Ўрта Осиё» канали қурилиши планни жаҳонда тенги йўқ ҳисобланяпти. «Узгипроводхоз» институти бу лойиҳани амалга оширишга даҳлдор бўлган ишларни бажаряптими?**

— Ҳа. Канални лойиҳалаш вазифасини ҳал этиш билан боғлиқ иш билан мамлакатнинг 150 илмий ва лойиҳа институтлари шуғулланяпти. Булар қаторида бизнинг институт ҳам бор.

Бизга Қозоғистоннинг қарийб чегараси ҳисобланган 2040-километрдан 2220 километргача, яъни Тўрткўлгача бўлган канал трассасини тадқиқ этиш топширилган. Иш ҳажми салмоқли — қарийб 1,5 миллион сўмликни ташкил этади ва икки ярим йилга яқин вақтни олади. Қорақалпоғистондаги Кўкча массивида, қўриқдаги 6 совхоз яқинида биз геологик базамизни жойлаштирдик. Мутахассислар ўз вазифаларини бажаришга киришишди.

Бу жуда масъулиятли иш ва шунинг учун ҳам бу вазифани бажаришга тажрибали, ўзини яхши кўрсатган мутахассислар танлаб олинди.

— Агар мумкин бўлса «аср лойиҳаси» деб ном олган бўлажак канални таърифлаб берсангиз.

— Муболаға эмас. Келажакда инсон қўли билан яратиладиган каналнинг узунлиги 2550 километр бўлади. Унинг асосий қисмидан секундига 1150 километр сув ўтади. Энергия ҳажми 2.7 киловатт бўлган еттита қудратли насос сувни 110 метр тепаликка кўтариб беради. Канал трассаси бўйлаб ўнлаб мураккаб гидротехника иншоотлари қурилади.

Сибирнинг Обь ва Иртиш дарёлари суви РСФСР, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги 4,5 миллион гектардан кўпроқ майдонни суғориш имконини беради. Бу қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини, чорвачилик маҳсулдорлигини анча ошириш, саноатнинг хом ашё базасини кенгайтириш ва оқибатда совет халқининг турмуш фаровонлигини юксалтириш имконини беради.

ГАЗЕТАНИНГ ШУ СОНИГА ИНТЕРВЬЮ

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР САВДОСИ ҚАТЪИЙ НАЗОРАТДА

СССР ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМЛАРИНИНГ ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА АЛКОГОЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШ, САМОГОН ҚИЛИШНИ ТУГАТИШ ТАДБИРЛАРИНИ КЎЗДА ТУТУВЧИ ФАРМОНЛАРИ БУГУН, 1985 ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН БОШЛАБ ҚУЧГА КИРДИ.

«Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганликлари учун уларга эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади».

«Уйда тайёрланган самогон, ча-ча, арақ, тут арағи, брага ва бошқа хонаки ўткир спиртли ичимликларни сотиб олганлик учун ўттиз сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо чораси қўлланилади».

(Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан).

Ичкиликбозлик ва алкоголизмни тар-томири билан йўқотишда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг роли катта. Улар КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан ўз ишларини қандай ташкил этмоқда? Спиртли ичимликлар савдосини тартибга солиш юзасидан қандай тадбирлар белгиланди? Ушбу саволларга мутасадди раҳбарлар жавоб беришади:

Ғ. МАНСУРОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо бош бошқармасининг бошлиғи:

— КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда босилгандан кейиноқ, биз унинг соҳамизга тааллуқли бандларини бажаришга киришдик. Ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, ўқув юртлари, ётоқхоналар, болалар муассасалари, касалхоналар, шифохоналар, дам олиш уйлари, туристик базалар, вокзаллар, аэропортлар, маданият муассасалари ва томошахоналарга, меҳнаткашларнинг оммавий равишда сайил қилиб ҳордиқ чиқарадиган жойларига бир километрдан яқин масофада жойлашган магазинларда, шунингдек туристик походлар, меҳнаткашларнинг коллектив дам олишга чиқишларида ва барча турдаги жамоат транспортида спиртли ичимликларни сотиш тақиқланди. 21 ёшга тўлмаган ва мастлик ҳолатида бўлган шахсларга спиртли ичимликлар сотилмайди. Вино-арақ ичимликларини сотиш чакана-савдо тармоқларида ихтисослаштирилган бўлимлар орқали белгиланган қатъий вақтгача сотилади.

Спиртли ичимликларни сотиш Қоидалари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка ва алкологизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан кўчирмалар ҳар бир савдо корхонасида кўзга кўринарли жойга осиб қўйилади.

Вино-арақ ичимликларини сотиш қоидаларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан савдо корхоналари иши устидан идора назорати кучайтирилди.

Айни пайтда алкоголсиз ичимликлар сотиш ҳажми анча кенгайтириляпти, шарбатлар, лимонадлар, мороженоени сотиш бўлимлари ташкил этиляпти, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш чоралари кўриляпти.

Т. СОАТОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Партия ва ҳукумат қарорларини оғишмай бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Умумий овқатланиш корхоналарининг жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Спиртли ичимликларни сотиш КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига қаттиқ мувофиқ равишда амалга ошириляпти. Кафе ва барларда соат 14.00 дан 21.00 гача, ресторанларда —14.00 дан 23.00 гача спиртли ичимликлар сотилишига рухсат берилди. Ҳамма кирадиган ошхоналар, III нарх категориясидаги барча ошхоналар, пархез таомлар, сутли таомлар кафелари, кафе-мороженоелар, болалар ва ёшлар кафелари, кондитерлик, котлет, сосискахоналар, чучварахоналар, пирожкахоналар, чойхоналар, пиво барлари, кафетерийларда, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарида ёшлар кечалари, дискотекалар ташкил этишда вино-арақ ичимликларини сотиш қатъиян тақиқланди.

Умумий овқатланиш корхоналарининг барча коллективларида атрофлича тушунтириш ишлари ўтказилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тўғрисида»ги Фармони ҳар бир кишининг эътиборига етказилди. Айниқса, ушбу Фармоннинг спиртли ичимликларни сотиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган қўйидаги IV банди алоҳида тушунтирилди: «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганликлари учун уларга эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади. Шундай хатти-ҳаракатлар бир йил давомида икки марта такрорланган ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортилган шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши тариқасида жазо бериладн ёки икки юз сўмдан уч юз сўмгача штраф солиш тариқасида жазоланиб, уч йилдан беш йилгача муддатга савдо корхоналарида ва умумий овқатланиш корхоналарида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилади».

С. СОБИРОВ, Ўзбекистон республика «Гастроном» конторасн бошқарувчиси;

—КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан ўз ишларимни қандай ташкил этмоқдамиз? Спиртли ичимликлар савдосини тартибга солиш юзасидан қандай тадбирлар белгиланди? Ушбу саволларга мутасадди раҳбарлар жавоб бермоқда:

Ғ. МАНСУРОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг бошлиғи:

— КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қарори матбуотда босилгандан кейиноқ, биз унинг соҳамизга тааллуқли бандларини бажаришга киришдик. Ишлаб чиқариш корхоналари, қурилишлар, ўқув юртлари, ётоқхоналар, болалар муассасалари, касалхоналар, шифохоналар, дам олиш уйлари, туристик базалар, вокзаллар, аэропортлар, маданият муассасалари ва томошахоналарга, меҳнаткашларнинг оммавий равишда сайил қилиб ҳордиқ чиқарадиган жойларига бир километрдан яқин масофада жойлашган магазинларда, шунингдек туристик походлар, меҳнаткашларнинг коллектив дам олишга чиқишларида ва барча турдаги жамоат транспортида спиртли ичимликларни сотиш тақиқланди. 21 ёшга тўлмаган ва мастлик ҳолатида бўлган шахсларга спиртли ичимликлар сотилмайди. Вино-арақ ичимликларини сотиш чакана-савдо тармоқларида ихтисослаштирилган бўлимлар орқали белгиланган қатъий вақтгача сотилади.

Спиртли ичимликларни сотиш Қоидалари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка ва алкологизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги фармонидан кўчирмалар ҳар бир савдо корхонасида кўзга кўринарли жойга осиб қўйилади.

Вино-арақ ичимликларини сотиш қоидаларига сўзсиз риоя этилиши юзасидан савдо корхоналари иши устидан идора назорати кучайтирилди.

Айни пайтда алкоголсиз ичимликлар сотиш ҳажми анча кенгайтириляпти, шарбатлар, лимонадлар, мороженоени сотиш бўлимлари ташкил этиляпти, хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш чоралари кўриляпти.

Т. СОАТОВ, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Партия ва ҳукумат қарорларини оғишмай бажариш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Умумий овқатланиш корхоналарининг жойлашуви қайта кўриб чиқилди. Спиртли ичимликларни сотиш КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига қаттиқ мувофиқ равишда амалга ошириляпти. Кафе ва барларда соат 14.00 дан 21.00 гача, ресторанларда —14.00 дан 23.00 гача спиртли ичимликлар сотилишига рухсат берилди. Ҳамма кирадиган ошхоналар, III нарх категориясидаги барча ошхоналар, пархез таомлар, сутли таомлар кафелари, кафе-мороженоелар, болалар ва ёшлар кафелари, кондитерлик, котлет, сосискахоналар, чучварахоналар, пирожкахоналар, чойхоналар, пиво барлари, кафетерийларда, шунингдек, умумий овқатланиш корхоналарида ёшлар кечалари, дискотекалар ташкил этишда вино-арақ ичимликларини сотиш қатъиян тақиқланди.

Умумий овқатланиш корхоналарининг барча коллективларида атрофлича тушунтириш ишлари ўтказилди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тўғрисида»ги Фармони ҳар бир кишининг эътиборига етказилди. Айниқса, ушбу Фармоннинг спиртли ичимликларни сотиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган қўйидаги IV банди алоҳида тушунтирилди: «Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ходимлари арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қоидаларини бузганликлари учун уларга эллик сўмдан юз сўмгача штраф солиш тариқасида маъмурий жазо берилади. Шундай хатти-ҳаракатлар бир йил давомида икки марта такрорланган ҳолларда маъмурий жавобгарликка тортилган шахс жиноий жавобгарликка тортиладилар.

ИШЧИЛАР ОШХОНАСИ: У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тўғри фикр. Заводнинг бошқа ишчилари ҳам шундай фикрдалар.

— Бирлашма маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари корхона меҳнатчиларининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши масаласини диққат марказидан мунтазам қочиришмаяпти, — дейди бош директорнинг маиший соҳа бўйича ёрдамчиси А. И. Юхненко.— Ҳозир биз савдо-ошхоналарда ана шу социал иллатга қарши курашнинг кенг программаси белгиланди. Қарорда савдо ташкилотлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилди. «Гастроном» республика конторасн спиртли ичимликлар сотишини қисқартириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқди ва амалга оширди. 17, 23, 30, 37-магазинларда барча турдаги алкоголли ичимликлар савдоси тақиқланди. Спиртли ичимликлар сотилишига рухсат берилган магазинларга, вино-арақ бўлимларига анча тажрибали сотувчилар танланди, спиртли ичимликлар сотиш билан шуғулланувчи сотувчилар қайта аттестациядан ўтказилди. 21 ёшга тўлмаган шахсларга, иш кийимида бўлган ишчи ва хизматчиларга, маст ҳолдаги шахсларга спиртли ичимликлар сотиш қатъиян тақиқланди.

Минерал ва алкоголсиз ичимликларни, кафетерийларда — сут, чой, мороженое, сутли коктейллар кенг миқёсда сотилишини таъминлаш чоралари кўрилди.

Албатта, спиртли ичимликларни сотиш қоидаларига қатъий риоя этилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилди. Белгиланган тартиб бузилишида айбдор бўлганлар Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш, самогон қилишни тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан жавобгарликка тортиладилар.

Бугун биз шаҳардаги икки саноат корхонаси коллективини сабзавот билан таъминлаш қандай аҳволдалиги ҳақида ҳикоя қилдик. Кўрниб турибдики, аҳвол бир хил эмас. Биринда яхшигина ютуққа эришилган, бошқасида эса пештахталар бўм-бўш. Буни раҳбарларнинг ўз вазифаларига муносабатларн қандайлиги билан изоҳлаш мумкин. Қаерда меҳнат коллективи ҳақида ғамхўрлик кўрсатилаётган, топширилган иш учун қаттиқ талаб қўйилаётган бўлса ўша ердаги магазинларда, ошхоналарда мўл-кўлчилик. 13-сабзавот магазинида дуч келинган аҳволга эса асло тоқат қилиб бўлмайди. Уйлаймизки, «Ташплодоовощ» бирлашмасининг Ҳамза районидаги улгуржи-чакана савдо идорасида тўғри хулоса чиқариб олишмаган бўлса?

Ўтган йилнинг 13-сабзавот магазинида ўзимиз ҳам сархил сабзавот ва кўкатлар йўқ эди. Бунга ҳам магазин мудирининг касаллиги сабаб.

—Эндиликда биз янги магазин мудирини тайинладик. Чунки А. Камариддинов вазифасини уддалай олмади, «Ташсельмаш» раҳбарлари ҳам магазин мудири алмаштирилишини сўраштирган эди, —дейди Ҳамза район улгуржи-чакана савдо идораси директори А. Галиев.

— Давлат маҳсулотни чиришига йўл қўйиш исрофгарчилик эмасми?— дея савол бердик А. Галиевга.

— Исрофгарчиликка йўл қўйилгани учун барча харажатлар магазин мудири елкасига тушади, — деган жавобни эшитдик.

Тўғри, ҳар қандай маҳсулотни ҳисобдан чиқариб ташлаш мумкин. Бунга важ топилади. Лекин бундай саҳийлик ортида лоқайдлик ва масъулиятсизлик, харидорлар ҳақида ғамхўрликнинг йўқлиги ётади. Зеро, бир бепарво раҳбарни деб йирик саноат корхонасининг коллективи жабр тортмаслиги керак. Бунинг устига улгуржи-чакана савдо идораси раҳбарларининг ўзлари А. Камариддиновни магазин мудири этиб тайинлашаётганда унинг иш чанлик лаёқати билан қизиқишлари керак эди. Бу ўртоқ магазин мудири вазифасига қандай сифатларига кўра танланган эди? Ваҳоланки, бу Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги жиддий нуқсонларни очиб ташлаган, давлат, план ва меҳнат интизоминг мустаҳкамлаш бўйича конкрет тадбирлар белгилаган пайтда бўлди. Наҳотки Ҳамза район улгуржи-чакана савдо идорасида пленум қарорларидан тегишли хулоса чиқариб олишмаган бўлса?



СУРАТЛАРДА: трактор заводининг сабзавот дўкони ва ярим фабрикатлар магазинида хилма-хил дала неъматлари бор; Ҳамза район улгуржи-чакана-савдо идорасининг 13-магазинида (ўнгдан пастдаги сурат) мана бир неча кундирки пиёз чириб ётибди.

Т. Каримов фотолари.





ФЕЛЬЕТОН

ҚЎРҚИНЧЛИ ТУШ

ЁКИ ТОШКЕНТ МАРМАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИДАГИ БИР МАЪРАКА ТАФСИЛОТИ

Тошкент мармар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош технологи, корхона партия бюроси секретарининг ўринбосари М. Қўчоқбоев ёмон туш кўрди... Уйида ёнбошлаб чой ичиб ётган эмиш. Икки басавлат одам эшикни тапур-тапур очиб кириб келибди. Уларнинг бири милиса формасида, иккинчиси оддий кийимдамиш. Е салом бор, ё алик бор: «Тур ўрнингдан, олдимизга туш!» дейишибди. Қўчоқбоев кўрқа-писа ўрнидан туриб, чақирилмаган меҳмонлар олдига тушибди. Ташқарига чиқса саккиз-ўн одам эшиги олдида оппоқ кийимда уймалашиб туришганмиш, уларнинг ҳам авзойи ёмонмиш. Энг қизиғи, улар ўзбекча яктакиштон кийганми ёки кафан ёпинишганми, билиб бўлмасмиш.

— Булар асли ўлган, лекин вақтинчалик тирилган кишилар, — деди формали одам изоҳ бериб. — Ҳаммасининг сенда даъвоси бор.

Биринчи бўлиб норғилдан келган, икки юзи қип-қизил мурда (афтидан, у озмай-тўзмай, автомобиль ҳалокатида ёки сувга чўкиб ўлган бўлса керак) тилга кирди:

— Одамгарчилик ҳам шундай бўладими, ўртоқ Қучоқбоев, йўлимга тўғаноқ бўлаяпсизлар-ку!

Қучоқбоев ҳайрон бўлди.

— Ия, ошна сизга қанақасига тўғаноқ бўламиз? Сиз у дунёда, биз бу дунёда аршимизни қилиб, нонни нишолда билан еб юрган одамлар бўлсак.

— Афсуски, шунақамасда, ака, шунақамас! — мурданинг ғазаби тошди.

— Қанақа бўлмаса?

—Менинг бандаликни бажо келтирганимга кўп вақт бўлгани йўқ. У дунёда жаннатдан квартира олиш учун югуриб-елиб юргандим. Ҳамма жойдаги текширувдан эсон-омон ўтдим. Фақат жаннатнинг дарвозаси олдига келганимда бир ясовул йўлимни тўсиб чиқиб: «Қани, келишган йигит, қабрингиз устига ўрнатилган мармар тахтанинг каптансасини кўрсатингчи. У қайси идорада ва неча сўмга тайёрлатилган?» — деб қолди. Мен рост гапни айтдим (ўзингизга қолар гап йўқ, у дунёда ёлғон гапириб бўлмайди). Бу мармар Тошкент мармар бирлашмасида ўғринча тайёрланган. Бунақа нарсага у дунёда документ-сокумент қилиб ўтиришмайди, дедим. Ясовул: «Бунақаси кетмайди, каптансаси йўқлар жаннатга кирмайди, бизда тартиб шунақа, деди. Менга каптанса тўғрилаб беринг, акс ҳолда у дунёда ишингиз чатоқ бўлади. Ҳа, шундай бўлсин.

Қучоқбоев ўзини оғир тутди. «Бу масалани ўйлаб кўриб, ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз», деди-да, бошқа мурдаларга: «Сизлар нима дейсизлар?» дегандай қаради. Уларнинг бири «Нега менинг ёдгорлик тошим Ғозғончинг қора мармаридан эмас?» деди. Иккинчиси «Меникининг устига исмимни арабча қилиб ёздирмабсизку», деб ўшқирди. Бошқалари ҳам аллақандай даъволарни айтиб чуғурлаша бошлашди. Қучоқбоев қўрқувдами ёки ғазабланганиданми, ўзи ҳам билмайди, нималардир деб бақира бошлаганди, бирдан уйғониб кетди. Кўзини очиб қараса, уйида беқасам кўрпача устида катта пар ёстиққа бош қўйиб ётибди. Қора тер босиб кетибди. Фақат чалқанчасига ухлаб қолган экан...

У ўрнидан туриб кўкрагига туфлади. Бўлган воқеа тушн эканлигига суюнди. Лекин барибир юрагига ғулғула тушди. Раҳматли бувиси эркак кишининг тушн ўнг келади, дегувчи эди. Ишқилиб ишхонада бир кор-хол бўлмасинда... Қучоқбоев дарҳол ўрнидан туриб юз-қўлини ювди. Апил-тапил нонушта қилиб бирлашмага жўнади. Хонасига кирар-кирмай ошнаси, 2-цех бошлиғи Р. Хонбобоевни излаб топди.

Хонбобоев ошнасининг авзойини кўриб қўрқиб кетди.

— Ҳа, нима бўлди, тинчликми? — деди ошнасига қўл бераркан.

Қучоқбоев анча вақт ерга тикилиб бош чайқагач, Хонбобоевга ғамгин боқди:

— Дўстим! Сен билан эски қадрдонмиз. Қўл синса енг ичида, бош ёрилса дўппи остида қилиб юрган сирдошмиз. Ўзингдан қолар гап йўқ, кўп қинғир ишларни қилган бўлсанг ҳам бурнингни қонатмадик. Тажриба-механика заводи директорлигидан олиб, бирлашманинг катта цехига бошлиқ қилиб қўйдик. Бунинг учун аввало, бош директоримиз Юсуфбек акамга минг раҳмат! Қолаверса, сен қилган қинғирликларни бирлашманинг ҳилват жойига итальян станогини ўрнатиб олиб ўзимиз давом эттиряпмиз. Энди яна бир бало-қазо бор кўринади, шундоқ-шундоқ..., — деб тушини таърифлаб берди.

Хонбобоевнинг ҳам ранги ўчиб, юраги ўйнай бошлади. Беихтиёр «Вой художон-эй, ўз паноҳингда асрагин», деб юборди. Ўзи бу кишининг одати шунақа эди. Корхонадаги ишларнинг сал «мисн» чиқай деса «художонга» тушиб қоларди. «Итлари ўтлаб», хўрозлари «тухум қилаётган» пайтларда эса бу кишидан зўр атеист бўлмасди. Ҳатто, «Қани ўша худо, биронтаси кўриб, гаплашибдими?» деб юборган пайтлари ҳам бўларди. Ҳозир ҳам шунақа бўлаётганди. Аммо Хонбобоев бу гал дарров ўзини қўлга олиб, ошнасининг кўнглини кўтара бошлади.

— Ғам чекма, — деди у Қучоқбоевга, мана ёнингда биз турибмиз камарбаста бўлиб. Ғам умрни ейди, садақа балони.

— Хўш, бўлмаса нима қиламиз?

— Илгари нима қилган бўлсак, шуни қиламиз. Ҳар банданинг хайр-эҳсонли бўлгани яхши. Бирлашмада бир худойи қилиб юборсак, дилинг равшан тортиб, ширин тушлар кўриб ухлайдиган бўласан. Бало-қазо даф бўлади. Бош директорни ҳам кўндирамиз. Шундай қилсак корхонада меҳнат шароити ёмонлигидан, тартиб-интизом бўшлигидан нолиб юрганларнинг овози ўчади. Ҳа, мени бир айтди, дейсан.

— Оннанай, ақлли ошнамдан! Ичимсан-да, ичимсан, — Қучоқбоев суюниб кетганидан қучоғини кенг очиб келиб Хонбобоевни қучоқлади, юзларидан ўпди. — Сен ўзи тадбиркорсан, эпчилсан, ўзимизбопсан!

Шундан кейин Хонбобоев билан Қучоқбоев айтганларини қилишди. Ҳар галгидек бош директорни авраб розилигини олиб, енг шимариб худойига тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Бирлашмамиз иши орқага кетяпти, худо йўлига яна бир худойи қилмасак бўлмайди, деб одамларнинг биридан беш сўм, иккинчисидан ўн сўмдан пул йиғишга киришиб кетишди.

Етарли пул тўпланган, тор доирада кенгаш бўлди. Бир одам худойига домлани мачитдан олиб келиш керак, файзи бошқача бўлади деганди, бошқаси розн бўлмади. «Ҳозир ҳамма жойда иқтисод ва тежамкорлик ҳаракати кетаяпти, — деди ишбилармонлардан бири гапни салмоқлаб. — Бу ишдан биз чеккада турсак қўпол хато қилган бўламиз. Мачитдан домла чақиришнинг ўзи бўлмайди. Домлага енг ичида 25 сўм пул, катта тугун қилиб бериш керак бўлади».

— Бўлмаса ким қуръон ўқийди?

— Ўзимизда ҳам домлалар кўп. Қироатини кўрсангиз Бухорон-шарифда етти йил тахсил кўрганми, дейсиз. Ўшалардан биронтаси ўқийди.

— Хўш, энди гўшт масаласини нима қиламиз? Эски шаҳардаги чайқовдан ўн-ўн беш кило янги гўшт сотиб олсак бўларминкан?

— Бўлмайди, — деди даврада жим ўтирган Қучоқбоев гапни чўрт кесиб. — Худойига у гўшт нимаю, тўнғиз гўшти нима. Уни худойига ишлатиш макрух, дини исломга шак келтириш бўлади. Чайқовдаги гўштларни қушхонадан липпага қистириб олиб чиқишади... Бу — бир. Иккинчидан, биз бирлашмага юбилей эмас, худойи қиласпмиз. Шундай бўлгач, жон олиб сўйиб, қон чиқармасак ўринга тушмайди, биродарлар.

Қучоқбоевнинг бу фикрларига ҳеч ким эътироз билдиролмади. Алқисса андин сўнг, шу йилнинг 19 январь куни эрталаб Кўктеракнинг молбозорига бирлашма ходимларидан икки киши бориб, белдек қора қўйнинг қуйруғига арқон солиб келишди. Қассобликдан хабари бор бир йигит 1-цехнинг омбори ёнидаги бостирма остида қўйни қиблага қаратиб қисқача «пичир-қучир»ини айтиб, бўғзига пичоқни тортиб юборди...

Тушга яқин ишчи ва хизматчилар худойининг шўрвасини ичдилар. Кейин хонаки домла ўз навбатида қуръонни бошлаб, бирлашма раҳбарларини, худойида хизмат қилганларни узундан-узоқ дуо қилди. Шундан кейин ҳамма тарқалди.

Тошкент мармар бирлашмасида кўп ишларнинг енг ичида бўлишига кўнгли тўқ бўлганлар бу сафар хато қилишганди. Улар ҳаммаси хамирдан қил суғиргандек иш битиб, «туя кўрдингми — йўқ» қабилида бош чайқаб кетишмоқчи бўлишди. Тониб ҳам кўришди, даъво ҳам қилишди, бўлмади. Ойни этак билан ёпиб бўлмасди ҳам! Сиёсий жиҳатдан зарарли ва соцнал жиҳатдан хатарли йўлга кириб, диний маросимни ўтказишга либераллик қилганликлари ва воқеаларни хас-пўслашга урнганликлари, сиёсий-тарбиявий ишларни барбод этганликлари ва коллективда яхши психологик иқлимни юзага келтира олмаганликлари учун бирлашма бош директори, коммунист Ю. Шомуродбековга ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди ва ўз вазифасига номуносиб деб топилди. Корхона бош технологи, партбюро секретарининг ўринбосари М. Қучоқбоев партия сафидан ўчирилди. Бирлашма партия бюроси секретари Е. Ройтфарбга ҳам қаттиқ виговор берилди ва уни кейинчалик бу вазифага сайлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги таъкидланди.

Шундай қилиб, зўр ҳаракат билан ўтказилган худойида домла бетаҳорат қуръон ўқиган эканми, дуоларн ижобат бўлмади. Ҳамма нарса чаппасига айланиб, худойи ташкилотчиларининг шўрига «шўрва» тўкилди.

И. НАЗИРОВ.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

1 ИЮНЬ, 1985 й.

Душанбадаги Маяковский номли рус Давлат драма театрининг Тошкентдаги гастроллари

Ижодий сафар қизғин ўтмоқда



Мана икки ҳафтадирки пойтахтимиз санъат ошиқлари қардош Тожикистон пойтахти — Душанбадаги Маяковский номли Халқлар дўстлиги орденли рус Давлат драма театрининг саҳна асарлари билан қизиқиб танишмоқдалар. Гастроль сафари ўтаётган Горький номидаги рус давлат академик театри биноси ҳар куни томошабинлар билан ғоятда файзли бўляпти.

Қардош ўлканинг вакиллари шаҳримизга учинчи марта катта ижодий сафар билан келишди. Уларнинг ҳар галги гастроллари томошабинларга жуда яхши завқ ва шавқ бахш этмоқда.

Маяковский номидаги театр коллективи рус классик ёзувчиларининг асарларини, совет адибларининг пьесаларини ҳамда тожик драматургларининг қаламга мансуб бўлган саҳна асарларини тез-тез саҳналаштириб томошабинларнинг олқишига сазовор бўлиб келаётган навқирон ижодий коллективлардан бири бўлиб ҳисобланади. 1937 йилда ташкил этилган театр коллективи мазмунли ижод йўлини босиб ўтмоқда. Ана шунинг учун ҳам унга 1977 йилда Халқлар дўстлиги ордени берилди.

Истеъдодли театр ижодий коллективи Тошкент сафарига олиб келган саҳна асарлари орасида тожик драматурги Расул Ходизоданинг «Бахтнинг сири» спектакли бор. Бу саҳна асари ўзининг моҳияти билан диққатга сазовор. Чунки унда ўзбек ва тожик адабиётининг кўзга кўринган энг йирик адиби Садриддин Айнийнинг образи моҳирона акс эттирилган. Биз бу саҳна асарида катта машаққатли ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтган сўз устасининг ёрқин ниғоҳини кўрамиз. Тошкент сафарига олиб келинган саҳна асарлари орасида Шукшиннинг «Характерлар», Лопе да Веганинг «Тентак қиз» асарлари ҳам бор. Гастроль сафари шу жиҳати билан ҳам қувонарли бўлдики, унда драматурглар Н. Исломов ва И. Нестеренконинг «Кутилмаган келин» асари премьераси шаҳримизда ўтказилди.

Душанба рус театри артистлари сафари ҳар томонлама қизиқарли ва мазмунли бўляпти. Санъаткорлар пойтахт областидаги Олмалиқ шаҳри томошабинлари ҳузурида бўлишди ва бир неча спектаклларни оператта театри биносида ҳам кўрсатиш амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: Мольернинг «Тартюф» саҳна асаридан бир кўриниш.

• Ажойиботлар оламида

Лермонтовни чизган рассом

Чечен-Ингуш тасвирий санъат музейининг ходимлари юзлаб архив ҳужжатларини, эски ва замонавий нашрларни илмий изланиш элагидан ўтказдилар. Улар XIX асрнинг биринчи ярмидаги энг яхши портретчи рассомлардан бирининг таржимаи ҳолини тикламоқчи бўлдилар. Рассомнинг кўпгина асарларига «Чеченлардан П. Захаров» деган имзо чекилган. Грозний шаҳрида бўлиб ўтган илмий конференция рассом тўғрисида йиғилган материалларнинг муҳокамасига бағишланди.

...Чеченларнинг Дадиюрт қишлоғи ёнида бўлган аёвсиз жанг рус қўшинларининг ғалабаси билан тугади. Солдатлар яксон қилинган овулдан уч яшар бир болани топиб олдилар. Бўлғуси рассом 1819 йилнинг сентябрида отрядда шундай пайдо бўлади. Уни Петр деб аташади. Болага уни тарбияга олган арава карвони солдати Захар Недоносов номи билан Захаров деган фамилия беришади.

Грознийлик санъатшунос Н. С. Шабаньянц ўтган асрга мансуб кўпдан-кўп материалларни, рассом замондошларининг айтганларини қиёслаб, Захаров Мцири образининг прототипи бўлганлигини аниқлади. Лермонтовнинг шинелни елкага ташлаган ҳолдаги маълум портретини «Чечен рассом» чизган.

Бола олти яшар бўлганида уни П. Н. Ермолов ўз тарбиясига олади. У болада расм чизишга қобилият ниҳоятда зўрлигини кўргач, уни Петербург санъат академиясига жойлаштириш учун кўп куч-ғайрат сарфлайди. Академияга крепостнойларни ва «бошқа миллатлар»ни олишмасди.

Рассом Петр Захаров Россиянинг илғор доираларига, жумладан А. И. Герцен тўғарагига яқин киши эди. Рассом таниқли тарихчи Т. Н. Грановский, шоир Н. А. Некрасов, композитор П. П. Булахов образларини яратган. У генерал Ермолов портрети учун академик унвонига сазовор бўлади. Унинг расмлари Эрмитаж ва Третьяков галереясининг залларини, мамлакатнинг бошқа музейларини безаб турибди.

„ТО" спорт ҳафтаси

Шаҳримизда ёз бошланди. Корхона ва ташкилот, муассаса ва мактабларнинг спорт майдонлари, югуриш йўлкалари, сузиш ҳавзаларини янада гавжумлашди. Бу ерларда район ва шаҳар биринчилиги мусобақалари ўтказилмоқда. Етакчоналарнинг олдидаги майдончаларда эса ўртоқлик учрашувлари ташкил этилмоқда.

Спорт баҳслари кучи ва ҳизматчи, студент ва ўқувчи, олим ва инженер-техник ходимларга дам олиш кунлари ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказишга ёрдам беряпти. Энг асосийси, спорт кўпчиликнинг саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, ичкиликбозликдан сақланишга кўмаклашмоқда. Шу боисдан ҳам жисмоний тарбия билан дўстлашганларнинг сафи тобора кенгайиб боряпти. Бригада, оилалар стартга чиқишяпти.

• Физкультура коллективларида

ЖОНКУЯРЛИК ТУФАЙЛИ

«Узгипроводхоз» институти ходимлари орасида жисмоний тарбияни оммалаштириш ишларига эътибор билан қаралмоқда. Бу ўз навбатида яхши самаралар беряпти. Институт физкультура коллективи район ва шаҳар мусобақаларида мунтазам қатнашиб, дуруст натижаларни қўлга киритмоқда.

Бу билим муассасасида мингга яқин ходим меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги ўттиз ёшгача бўлган йигит ва қизлардир. Шунинг учун ҳам бу ерда физкультура ва спортни кундалик турмушга жорий қилишга эътибор бериляпти. Район мусобақаларида институт шарафини муваффақиятли ҳимоя қилган спортчилар шаҳар ва республика мусобақаларида иштирок этишяпти. Сув хўжалиги системасини лойиҳалаштириш муассасалари ўртасида ўтказилаётган анъанавий мусобақаларда қатнашиб, маҳорат чўққиси сари одимлашмоқда. «Узгипроводхоз» институтида стол тенниси, сузиш, баскетбол, волейбол бўйича мусобақалар ўтказиш анъана бўлиб қолган.

Ходимлар ўртасида шахматга бўлган қизиқиш жуда катта. Инструктор Й. Юсупов ва жамоатчиларнинг жонкуярликлари туфайли беллашувлар ўз вақтида ва қизиқарли ўтадиган бўлиб қолди. Бир вақтнинг ўзида 20 та тахтада курашув ўтказиш одат тусига кирди. Кейинчалик эса спортнинг бу тури бўйича расмий институт биринчилиги ўтказилди. Энг яхши натижа кўрсатган С. Семенов, А. Иванов ва В. Когай биринчи чемпион унвонини қўлга киритишди. Команда ҳисобида смета ва лойиҳа тайёрлаш бўлимининг вакиллари биринчи бўлдилар. Йўл лойиҳачилари эса иккинчи ўринни эгаллашди.

Яқинда қайтадан жиҳозланган институтнинг шахмат клубида шахмат бўйинининг тактикаси ва стратегияси бўйича консультациялар уюштириш йўлга қўйилди. Бу юмушни шахмат бўйича халқаро спорт мастери Алла Мкртчан бажармоқда. Бунинг боиси бор албатта. У «Узгипроводхоз» физкультура коллективи советининг аъзоси ҳисобланади. Айни пайтда, А. Мкртчан ходимларнинг фарзандлари, бошланғич синф ўқувчиларига ҳам шундай назариясини ўргатмоқда.

Институтда ёз ойларида мини-футбол, волейбол, қўл тўпи, баскетбол бўйича мусобақалар ўтказиш режалаштирилмоқда. Бу ишларни амалга оширишда жамоатчи жонкуярларнинг хизматлари катта бўлади.

• Санъатнинг сеҳрли олами


МУЗИКАЛИ ЛЕКТОРИЙЛАР

Тошкент Давлат консерваторияси педагог ва студентлари ташаббуси билан жойларда қатор музикали лекторийлар иш бошладн. Уларда олий музика мактаби студентлар симфоник оркестри иштирокида тематик концерт программалари ҳам тез-тез ижро этиб турилади.

Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртн курсантлари учун ташкил этилган музикали лекторий очилганига ҳали кўп бўлганича йўқ. Шу вақт ичида «Тинчликни мадҳ этамиз» деган мавзуда ўндан ортиқ концерт қўйиб берилди.

Консерватория Тошкентдаги «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам яқинда ўзининг бундай лекторийсига эга бўлди. Лекторий машғулотларн мазмунига мос концерт программаси тайёрлашга киришилди.

А. АЛИЕВ.



БУГУН—БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

ҲАЁТИМИЗ ГУЛЛАРИ

- Болалар бахтида Ватан эзёси бор.
- Ҳаёт ғилдираги болаларнинг дунёга келиши билан айланиб туради.
- Чақалоқнинг кулгисида ғунча табассуми бор.
- Бола кўнгли доим яхши сўз тилаб туради.
- Ота — Қуёш, она — Ой, болалар чаман юлдузларга ўхшашади.
- Бола кўнгли — тоғнинг гули.
- Бола дунёга нурдек покиза, чашма сувидек тоза туғилади.
- Болам — менга ширин, боламга — боласи.
- Она алласи — бола тинглайдиган биринчи қўшиқ, шу қўшиқдан мурғак қалбига эзгулик сингади.
- Эркалаш мурғак болага лаззат, танига қувват бағишлайди.
- Она меҳри — қуёшдан иссиқ.
- Болалар кулса, бутун олам кулади.
- Бахтли Ватан боласи — тоғ-адирнинг лоласи.
- Ота-она меҳнати — фарзандининг роҳати. Емон бўлса фарзанди — ота-она кулфати.
- Болалар ширинликни севишади, аччиқни туфуриб ташлашади.
- Қуш — полапоним дер, она болажоним дер.
- Фарзанд — инсон меваси.
- Ота-она болам деб заҳмат чекади.
- Қобил бола — ота-онага парвона.
- Болалар йўлини катталар белгилаб беришади.
- Ота-онанинг суянган тоғи, Болалар ҳаётнинг сўнмас чироғи.





Ўғлимнинг орзуси

этюд

Хона чеккасига қўйилган рангли телевизорда жаҳон халқлари иштирокчиларининг концерти берилаётган эди. Шўхчан ёқимли куй ва қўшиқ дилга ором бериб, кайфиятни тўлқинлантиради. Икки яшар ўғлим Дилшод дўмбоқ қўлчаларини чўзиб, экрандаги одамларга талпинади:

— Ачом, ачом! — дейди у ширин тилда бидирлаб,

Мурғак қалби доим беғубор. Ўғлим одамларни севиб, оламни, одамларни қучмоқчи бўляпти. Бу жуда ширин орзу, бу жуда эзгу орзу.

Қалбим тўлқинланиб, ўғлимга хитоб қиламан:

— Ўғлим Дилшод, одамларни доим шундай сев, оламни сев, бу олам одамлар билан, дўстлик меҳри-муҳаббати билан гўзаллигини ҳеч қачон унутма, дўмбоғим!

Мавлуда ҚОСИМОВА, ўқитувчи.

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

ЮЗИМ ҚИЗАРИБДИМИ!

Эрталаб нонушта пайтида Барно опасига деди:

— Опа, пирожний куйиб кетибди. Еса ҳеч нарса қилмайдими?

— Албатта! Қизариб пишганини есанг, юзинг қизил бўлади.

Бироздан сўнг Барно опасига деди:

— Қаранг опа, юзим қизарибдими?

ЧОЙ ПИШДИ

Эрталаб ҳамма ўрнидан туриб нонуштага тараддуд кўраётган эди. Газда чой қўйилган. Бир пайт меҳмонхонага Музаффар югуриб кирди ва ҳаяжонланиб деди:

— Ада, ада! Биласизми? Чой пишиб тўкилиб кетаяпти.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

• Ҳар тўғрида

УНИВЕРСАЛ БЕТОН

Латвия ССР Давлат қурилишининг илмий-текшириш ва эксперементаль бинокорлик институтида молхоналар полн учун композит темир-бетон ишлаб чиқилди. Унинг иссиқлик-нинг кам ўтказиши, безарарлиги, кескин муҳитга чидамлилиги қоплама материалдан воз кечиш имконятини яратади.

РАНГ-БАРАНГ ЦЕМЕНТ

Ҳиндистоннинг Ражамундра цемент заводида қизил, яшил ва сариқ ранглардаги хилма-хил цемент ишлаб чиқарилади. Бу вақтга қадар рангдор цемент одатдаги цементга бўёқ қўшиш йўли билан олинар эди. Ҳинд цемент илмий-текшириш институти мутахассислари бўёқлар талаб этилмайдиган ва бунинг эвазига таннархи арзон янги технологиянн ишлаб чиқдилар.

ГИШТ ЗАВОДИДАГИ РОБОТ

1984 йилнинг октябрига қадар Малисдаги (ГДР) ғишт заводи ишчилари кунига 40 тоннага яқин юкни вагонеткаларга юклар эдилар. Энди бу оғир ишни «Лейпунг-Ланд» қурилиш материаллари комбинати рационализаторлари ясаган робот бажармоқда. Қизиғи шундаки, робот бу операцияни «кўр-кўрона» бажармай, юклаш давомида ностандарт ғиштларни бракка чиқаради.

ХОНСЮ ОРОЛЛАРИДА

Японияда 2000 йилга бориб, Хонсю-Сикоку оролларнни 18 (улардан ўн иккитаси осма) кўприк орқали ўтувчи автомобиль йўли билан боғлаш планлаштирилмоқда. Бу ерда тез-тез бўлиб турадиган ер қимирлаш ва тўфонлар туфайли кўприклар қурилиши 8 балли зилзила ва соатига 180 километр шамол кучига чидамли қилиб амалга оширш кўзда тутилмоқда.

Шаҳримиз спорт майдонларида

БАЙРАМГА БАҒИШЛАБ

БУГУН

Сергели районндаги Совет Армияси майдонида катта спорт ва маданият байрами ўтказиладн. Томошабинлар олдида бокс, стол тенниси, ритмик гимнастика, кураш ва акробатика бўйича Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларнинг совриндорлари ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

«Спутник» стадионида эса «Бутун дунё болалари дўстлашишмоқда» шиори остида енгил атлетика эстафетаси ўтказилади. Баҳсларда Сергели районидаги барча болалар боғчаларининг тарбиячилари иштирок этадилар.

СУЗИШ ҲАВЗАСИ ВА ТЕННИС КОРТИДА

БУГУН

«Марказ —5» турар жой массивидаги Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг спорт базасида катта теннис бўйича «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти спорт мактабларининг ўқувчилари ўртасида шахсий команда биринчилиги баҳслари бошланди. Шу ердаги сузиш ҳавзасида эса сузиш бўйича касаба союзлари область совети биринчилигига старт берилди. Ғолиблик учун медицина ходимлари, инженер-техниклар беллашишмоқда.

«ЧАРМ ТЎП» КЛУБИ СОВРИНИ УЧУН

БУГУН

Киров районидаги 63, 21, 97-ўрта мактабларнинг стадионларида футбол бўйича район биринчилиги мусобақаларига старт берилди. «Чарм тўп» клуби совринини қўлга киритиш учун райондаги маҳалла ва ЖЭКларнинг командалари баҳс олиб борадилар. Уч ёш тоифасида ғолиблар аниқланади. Беллашувларда 22 команда иштирок этмоқда.

Баҳслар қизиқарли бўлиши кутиляпти. Ўтган йилги район чемпионлари 10, 38, 51-ЖЭКларнинг командалари ўз мавқеларини сақлаб қолишга ҳаракат қилишлари аниқ. Аммо бошқа маҳалла ва ЖЭКларнинг командалари ҳам беллашувларга пухта тайёргарлик кўришган. Бинобарин, стадионлардаги баҳслар қизиқарли бўлиши кутилмоқда.



Шу кунларда Октябрь районидаги маҳалла ва ЖЭКларнинг спорт майдонлари, югуриш йўлкалари, сузиш ҳавзалари ниҳоятда гавжум. Маҳалла ва ЖЭКларнинг терма командалари район чемпионн унвонини қўлга киритиш учун кураш олиб боришяпти. Программадан волейбол, баскетбол, футбол, шахмат, шашка сингари спорт турларн ўрин олган.

СУРАТДА: маҳалла ва ЖЭК командаларининг район мусобақасининг тантаналн очилиш маросимидан лавҳа.

Р. Альбеков фотоси.

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

Ўзимга-ўзим

— Бир ўзинг чиқма
Кўчага,
Қайтгин,
Сенга ким қараб,
Юради
Айтгин...
— Э, ойи қўрқманг,
Буни
Биламан,
Ўзимга-ўзим
Қараб
Юраман...

Самолёт

Учиб борар пўлат қуш,
Эшитилар овози,
Қоқмаса ҳам қанотин,
Жуда юксак парвози.
Тўп-тўп булут йўлида,
Босиб олмай, деб тағин,
Кўтарилгач осмонга
Инғиб олар оёғин.


Ҳолвайтар

Она қилди
Ҳолвайтар,
Ҳолвайтардан
Еб Ҳайдар:
«Оҳ», «оҳ», «оҳ»,
деб қолди.
Оғзи ширин
бўп қолди...

Ҳабиб РАҲМАТ.

• Дам олиш соатида

КРОССВОРД-ЧАЙНВОРД



Азиз оқшомхон! Кросс-чайнворднинг бўйига йўналишидаги сўзлар шакл марказидаги «О» ҳарфи билан тугалланади.

Бўйига: 1. Гул. 2. Италъян астрономи ва шоири. 3. Африкадаги дарё. 4. Симсиз узатувчи ахборот воситаси. 5. Ташкилотнинг энг кичик қисми. 6. Мева шарбатидан тайёрланган ичимлик. 7. Тропик ширин мева. 8. Транспорт.

Энига: 9. И. Тургенев романи. 10. Ип ва ипак аралаш газлама. 11. Саломатлик гарови. 12. Санъат тури. 13. Бинонинг олд томонидаги кўркам қисми. 14. Турли ҳодисалар ўртасидаги боғланишни ифодаловчи маълум тартиб. 15. Йиртқич денгиз жониворн. 16. Цирк майдони.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

1 ИЮНЬ, 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 3. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.05 Болалар учун фильм. «Зангори патруль».
11.10 «Фестиваль олдидан». Ҳужжатли фильм премьераси.
11.30 Мультфильмлар: «Оператор Кипснинг янги саргузаштлари», «Эврика саргузаштлари».
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Енисей меридиани». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
16.10 Карелия қўшиқлари ва рақслари.
16.35 «Горнчилар, қаердасиз!»
17.05 «Мравинский билан суҳбатлар». Телевизион ҳужжатли фильм.
18.00 «Онамларнинг мактаби».
18.30 Мультфильмлар.
18.55 «Гуноҳни енгиллатувчи омилларсиз». Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «КамГЭСэнергострой» бирлашмаси коллективининг бригада пудрати усулида ишлаш тажрибаси ҳақида.
20.00 Бокс бўйича Европа чемпионати. Финал. Венгриядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 А. С. Пушкин. «Борис Годунов». Телеспектакль.
23.35 «Дунё воқеалари».
23.50 Футбол шарҳи.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Куппа-кундузи содир бўлган мўъжиза», «Қойил, Микаэла». Мультфильмлар.
9.45 Классик куйлардан концерт.
10.10 «Фан ва турмуш».
10.40 «Эртанги кун лойиҳаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.10 «Сув эгаси». Телевизион бадиий фильм.
12.15 «Чашмалар».
12.45 «Кўҳна қалъа сояси». Болалар учун беш серияли телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
14.05 «Рус тили».
14.35 «Балки бу севгидир». Телевизион ҳужжатли фильм.
15.05 Г. Абашидзе поэзияси.
15.40 Орёл шаҳар «Наигриш» чолғу триоси чалади.
16.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Анна Дубровская бошоғи». Ҳужжатли фильм.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Валя хола ҳикоя қилади...»
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 РСФСР халқ артисти В. Мальченко концерти.
23.00 Илмий-оммабоп фильмлар.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Уруш эшик қоққанда» (рус.).
18.45 «Алкоголь ва чекишнинг ирсиятга таъсири». Врач маслаҳати.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Звезда» (Жиззах). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Музика истиқболи эгалари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Сизга замин таъзими!» Видеофильм премьераси.
22.50 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 1-серия.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.05 МТ II
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов». Телефильм («Ўзбектелефильм»).
18.15 Я. М. Свердлов туғилган куннинг 100 йиллигига. «Яков Свердлов». Бадиий фильм (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Миноралар мамлакатида». Ҳужжатли фильм.
20.30 Пушкинхонлик. «Қишлоқи оймқиз».
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 4. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ўсмирлар ижоди».
10.25 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.25 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
11.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар: «Машаққатли қувончлар», «Степанов даласи», «Ферма».
16.05 «Рита». Бадиий фильм.
17.30 СССРда табиатни муҳофаза қилиш.
18.00 «Ўртоқ Свердлов. Ҳаёти саҳифалари». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Агар соғлом бўлай десанг».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш». Инсон фаолияти турли соҳаларида ЭҲМнинг қўлланилиши.
20.00 М. Балакирев. «Исломей». Шарқ фантазияси.
20.10 «Соғ бўлинг». Е. Вахтангов номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Соғ бўлинг» фильм-спектаклининг давоми.
23.20 «Дунё воқеалари».
23.35 М. Хранова куйлайди (БХР).

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 А. С. Пушкин. «Борис Годунов». Телеспектакль.
10.45 Ҳужжатли фильмлар: «Ёй камондан узоқлашганда», «Шиддат».
11.10 «Будильник».
11.40 Эстония телевидениесининг эстрада симфоник оркестри чалади.
12.10 Мультфильмлар: «Аттракцион», «Тайёрланмаган дарслар мамлакатида».
12.40 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари».
13.10 «Шахмат мактаби».
13.40 «Кўҳна қалъа сояси». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 3- ва 4-сериялар.
14.50 «Шарқий Сибирь». Киножурнал.
15.00 Француз тили.
15.30 Лятошинский номли Киев камер хорининг концерти.
15.50 М. Стельмах. Асарлари саҳифаларида.
16.35 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Инсон ва қонун».
19.15 «Музикали киоск».
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Филчаларнинг саргузашти». Мультфильм.
20.45 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Алеко». Фильм-опера.
23.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильмлар: «Қувноқ шаҳарча», «Дадам, ойим ва мен» (рус.).
10.40 «Кичик юлдузлар». Фильм-концерт.
11.25 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 1-серия.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қўшиқ». Мультфильм.
18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз планетаси» (рус.).
18.55 «Ҳақиқат ва бўҳтон». Атеистик мавзуларда кўрсатув.
19.20 «Олатов жилолари». Манзарали фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 СССРда Вьетнам Социалистик республикаси Маданияти кунларига бағишланган концерт.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бизнинг дала шийпонимиз». «Қишлоқ ҳақиқати» газета редакцияси ҳамда Ўзбекистон телевидениесининг биргаликдаги рейди.
22.30 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 2-серия.
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.40 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Абитуриентлар учун. Иншо қандай ёзилади.
18.45 «Ўтюрак Бонивур». Бадиий фильм. 1-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Балет шинавандалари учун».
21.10 «Эфиопия баҳори». Ҳужжатли фильм.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 5. VI

ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Дўстим Суқротжон». Телевизион бадиий фильм.
10.45 «Тинч оқар Дон ўлкаси». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.15 Г. Берлиоз. «Ромео ва Юлия» драматик симфониясидан парчалар.
11.55 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.15 «Инсон ва табиат». Телевизион ҳужжатли фильмлар.
16.10 А. С. Пушкин. Адабий этюдлар.
17.10 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
17.55 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурсининг лауреати Воронеж шаҳар касаба союзлари халқ хор капелласи ижро этади.
18.20 «БАМ қурилиши давом этади».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Инсон ва қонун».
20.00 «Вешенский баҳори». Телеочерк.
20.25 «Станция назоратчиси». Телевизион бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Дания — СССР терма командалари. Даниядан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Болалик завқ-шавқи». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 20—30-йиллар совет живописи.
10.05 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
10.35 «Алеко». Фильм-опера.
11.35 «Судланмайдиган камомат». Телевизион ҳужжатли фильм.
11.50 «Кўҳна қалъа сояси». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 5-серия.
12.25 «Ҳаётга йўлланма».
13.25 Немис тили.
13.55 «Қувноқ стартлар».
14.40 «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 31-армия ветеранларининг учрашуви.
15.55 Мультконцерт.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Шахмат мактаби».
19.20 «Воронов кадриллари». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.40 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
20.10 Н. Агапкин асарларидан концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «38 та тўти». Мультфильм.
20.45 «Походларда кўп йўл босилди». Адабий-музикали композиция.
21.30 «Время».
22.00 В. Сергеев. «Кузнинг мафтун этувчи кунлари...» Телеспектакль.
23.10 Куба артистлари ижро этади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Шафаққа йўл». Илмий-оммабоп фильм.
11.10 Болалар учун фильм. «Димканинг хўрози».
11.25 «Дадил қадам». Бадиий фильм. 2-серия.
12.30 «Пионер лагерлари ўз эгаларини кутмоқда».
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сариқ тумшуқли Пики». Мультфильм.
18.30 Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кунига. «Инсон ва табиат».
19.00 «Хушёрлик —ҳаёт нормаси» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССР Давлат телерадиоси Уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари».
22.15 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Абитуриент-85». А. Абдураҳмонов номли Тошкент политехникуми (рус.).
18.45 «Ўтюрак Бонивур». Бадиий фильм. 2-серия.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
21.00 «Транспорт ва йўловчи».
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 6. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Станция назоратчиси». Телевизион бадиий фильм.
10.45 «Саёҳатчилар клуби».
11.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 Болалар учун фильм. «Наполеон 3 лақабли лайча».
17.10 «Инсон — замин соҳиби».
18.10 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. СССР—Франция терма командалари. 2-тайм. ГФРдан олиб кўрсатилади.
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Жонли ўйинчоқ». Мультфильм.
19.40 «Миллионлар ленинча университети». «Оила ва жамият».
20.10 С. Захаров куйлайди.
20.25 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Поэзия» альманахи. Пушкинга бағишланади.
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ер ости салтанати пиллапоялари». Илмий-оммабоп фильм.
9.35 «XIX аср биринчи ярмида рус санъати». А. Г. Венецианов.
10.15 «Кузнинг мафтун этувчи кунлари». Телеспектакль.
11.25 «Музика ва ҳаракат».
12.35 «Жиноят». Бадиий фильм, субтитр билан. 1-фильм.
13.50 Испан тили.
14.20 «Ҳайкал». Фильм-концерт. Пушкинга бағишланади.
15.10 «Сфера». Бу ўзи нима?»
15.50 Й. Церемуга. 3-симфония.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. Испания — Югославия терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Эмлашдан қўрққан бегемот ҳақида». Мультфильм.
20.45 «Ўсимликлар дунёси».
21.30 «Время».
22.05 «Иван Никулин—рус матроси» Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Бароқ айиқ ҳақида». Илмий-оммабоп фильм.
10.45 «Биз — жаҳон болалари» (такрорий).
11.35 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.40 КПСС XXVII съезди олдидан. «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида». Қўқон нон комбинати коллективи ҳақида ҳикоя.
19.10 «Мен ўзим». Ҳужжатли фильм.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.10 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
20.30 «Ахборот».
20.50 И. Исоқов, Қ. Юсупов, М. Орипов ижросида ўзбек халқ қўшиқлари.
21.30 Москва. «Время».
22.05 В. Шекспир. «Ричард III». Й. Охунбобоев номли Андижон область музикали драма театрининг спектакли. Танаффус пайтида — «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.20 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Тоғлар чорлайди». Ҳужжатли фильм.
18.25 Абитуриентлар учун. Биология.
18.55 «РАПО амалда». Ҳужжатли фильм.
19.15 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Салом, фестиваль» (такрорий).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Афсонага айланган кишилар». «Разведкачи Н. Кузнецов». Ҳужжатли фильм.
20.30 Реклама.
20.40 «Пушкин ҳақида монолог». Телефильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 7. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 М. Ашрафий номли Тошкент давлат консерваторияси чангчилар ансамблининг концерти. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
10.05 Болалар учун фильм. «Экватор»лик йўловчи».
11.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Илмий-оммабоп фильмлар: «Илмий-техника тараққиёти ва меҳнаткашларнинг иқтисодий ўқуви...», «Нур конструкторлари», «Флоричата».
16.20 Халқ куйлари.
16.35 «Подмосковьенинг агросаноат комплекси».
17.10 «Рус тили».
17.40 Баянчилар ва аккордеончилар II Бутуниттифоқ конкурси иштирокчиларининг концерти.
18.25 Мактаб ўқувчиларининг СССР Олий Совети депутати, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, механизатор Н. В. Геллерт билан учрашуви.
18.55 «Ватанга хизмат қиламан». Илмий-оммабоп фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Агар соғлом бўлай десанг».
20.20 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Джаз панорамаси».
22.30 «Ҳужжатли экран».
23.30 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Горнчилар, қаердасиз!»
9.45 Ҳужжатли фильмлар: «Мардлик соати», «Чин қалбдан».
10.10 Татаристон АССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти.
10.50 «Михаил Шолохов». Ҳужжатли фильм.
11.50 «Болалар патрули». Болалар учун телевизион бадиий фильм премьераси.
12.55 Инглиз тили.
13.25 «Илк севги». Фильм-концерт.
14.35 «Асли болаликдан». А. Герцен. «Кўрган-кечирганлар ва ўйлар».
15.15 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. Тарих саҳифалари. «Ўз бурчингни ўташ учун...» РСДРП III съезди ҳақида.
16.00 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.30 Телевизион ҳужжатли фильм.
20.20 Халқ куйлари.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Мишка сайилда». Мультфильм.
20.45 Ритмик гимнастика.
21.15 К. Маркс номли Ереван политехника институтининг камер оркестри ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 «Олишув». Бадиий фильм.
23.25 «Улуғ Ватан уруши қўшиқлари». МТ ва БР совет қўшиқ-ижро этади.
лари студиясининг ансамбли

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз».
11.05 «Айтайлик, сен капитансан...». Бадиий фильм.
12.10 Телевизион театр. М. Зошченко. «Қилмиш—қидирмиш».
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қанотли хўтик». Мультфильм.
18.30 «Дунё воқеалари».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 Романс кечаси.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Оболонский плацдарми қаҳрамонига». Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновга бағишланган телеочерк.
22.15 «Яхши кайфият». Музикали программа.
23.10 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Абитуриентлар учун. Химия.
18.40 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
19.10 «Маҳтумқули — Фироғий». Ҳужжатли фильм.
19.20 «Китоб дўстлари» (рус.).
19.50 «Етти жоду». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Жаҳон адабиёти классиклари. В. Гюго.
21.00 «Карнай садоси». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
21.30 МТ II

ШАНБА, 8. VI

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 М. Глинка номли Горький Давлат консерваториясининг рус халқ чолғулари оркестри чалади.
10.15 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». В. Серов.
10.45 Илмий-оммабоп фильмлар: «Кекса Урал», «Демерж ён бағирларида».
11.10 Болалар учун фильм. «Мишка-сеҳргар» («Ўзбектелефильм»).
11.40 СССР Ички ишлар министрлиги бадиий ҳаваскорлик коллективининг концерти.
12.25 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. СССР—Югославия терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади.
13.05 «Март ойининг бошида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
13.30 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.00 «Мардлик қонунига биноан».
14.30 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Фанорелик волинка» (Ирландия).
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Ҳаётга йўлланма».
16.05 «Ҳайвонот оламида».
17.05 Р. Шуман. «Симфоник этюдлар» фортепьяно туркуми. СССР халқ артисти И. Гилельс ижро этади.
17.35 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
18.05 Мультфильмлар: «Чўпон ва гўзал малика ҳақида эртак», «Болтадан пиширилган бўтқа», «Офтобжон», «Андрейка ва қоронғулик».
18.35 «Терговни билимдонлар олиб боради». 8-иш — «Қочиш». Телеспектакль. 1- ва 2-сериялар.
21.30 «Время».
22.05 «Сизни Москва оперетта театри таклиф этади».
23.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Олишув». Бадиий фильм.
10.50 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
11.20 ОЗАРБАЙЖОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.45 «Сиз яратган боғ».
13.15 СССР халқ артисти Г. Рождественский раҳбарлигидаги СССР Маданият министрлиги Давлат симфоник оркестрининг концерти.
13.45 «Саёҳатчилар клуби».
14.45 «Стадион ҳамма учун».
15.15 Ўсмирлар учун музикали кўрсатув.
17.05 «Тайинланиш». Телевизион бадиий фильм.
18.35 «Уч карта». Фильм-балет. К. Молчанов музикаси.
19.45 «Халқаро обзор».
20.00 «Европа норкаси». Илмий-оммабоп фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Сирли равишда ғойиб бўлди». Мультфильм.
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Металлист» — «Спартак». «Динамо» (Киев) — «Зенит». Харьков ва Киевдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Диалог». Телефильм.
10.55 «Кинопублицист экрани».
11.40 «Акмалнинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.), («Ўзбекфильм»).
12.50 «Халқ оғзаки ижоди». Бахши шоирларнинг VI республика кўрик-конкурси ғолиблари ижро этади.
14.00 «Замандас». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.35 «Ўрмон қўриқчилари». Мультфильм.
18.50 «Ота-оналар университети».
19.20 «Хуш келибсиз». Янги урф-одатлар ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Алкоголизм — ёмон иллат». Кинокўрсатув.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мусиқа жавони».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига —аъло сифат».
22.25 Телевизион миниатюралар театри.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

●

9.00 — 17.40 МТ II
18.25 — 21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ЯКШАНБА, 9. VI

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ташаббус имкониятлари». Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган телевизион ҳужжатли фильм.
10.10 «Спортлото»нинг 23-тиражи.
10.20 «Будильник».
10.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.50 «Здоровье».
12.35 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
13.05 «Қишлоқ янгиликлари».
14.05 «Музикали киоск».
14.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Эркаклар. СССР—Испания терма командалари. ГФРдан олиб кўрсатилади.
15.15 Бутуниттифоқ Пушкин шеърияти байрами.
16.30 «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». Кўрсатувда СССР Енгил саноат министри Н. Н. Тарасов иштирок этади.
17.00 «Саёҳатчилар клуби».
18.00 «Хореографик миниатюралар». Фильм-концерт.
18.35 «Халқаро панорама».
19.20 Мультфильмлар премьераси: «Адашган тўтининг қайтиши», «13-қувноқ карусель», «Алдоқчилар саройи».
20.00 «Сменадан сўнг». Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган концерт.
21.30 «Время».
22.05 «П. Чайковскийнинг барча симфониялари». 2-симфония.
22.55 «Бир ёз ўйинлари». Ҳужжатли фильм премьераси.
23.20 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Расмларда қуёш акси бор».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.30 Ф. Шопен. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 1-концерт.
12.15 «Ёдингдами, ўртоқ...» Улуғ Ватан уруши ветеранларининг учрашуви.
13.15 «Санъат усталари». СССР халқ артисти В. Меркурьев.
14.15 Қадимий куйлардан концерт.
14.35 «Бурденко сабоқлари». Ҳужжатли фильм премьераси.
14.55 Мультфильм.
15.10 «Чорраҳа». «Мавжуд шароитга кўра». Киевдан олиб кўрсатилади.
16.00 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Фанорелик волинка» (Ирландия).
16.35 Классик кураш бўйича СССР чемпионати.
17.05 «Дунё ва ёшлар».
17.40 Ака-ука Знаменскийлар хотираси учун енгил атлетика бўйича халқаро мусобақалар.
18.25 «Ҳаёт ва севги йўлида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
19.15 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Г. Свиридов.
19.50 «Шеъриятнинг шифобахш ҳавоси». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.05 «Донецк архитектураси».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Ғоз қандай қилиб тулки овлади». Мультфильм.
20.45 Гандбол бўйича СССР чемпионати. Эркаклар.
21.20 «Энг шимолий маршрут». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Тайга қиссаси». Бадиий фильм.
23.40 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)—«Факел». 2-тайм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Телевизион миниатюралар театри (такрорий).
11.25 «Акмалнинг саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.), («Ўзбекфильм»).
12.35 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.20 Киноҳаваскорларнинг Бутуниттифоқ симпозиуми (рус.).
14.10 Реклама.

* * *

17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.).
18.15 «Бугун — Енгил саноат ходимлари куни». ЎзССР Енгил саноат министри М. Ҳ. Қурбонов сўзи. Кўрсатув ва концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
20.30 «Ахборот».
20.50 Дам олиш концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дадиллик учун юз грамм». Бадиий фильм.
23.20 Кўрсатувлар программаси.

●

9.00 — 14.45 МТ II
15.00—21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

КИНО

1 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, (18.30, 20.45, кичик зал, 17, 19.30; Телефон 44-21-34), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.30, 21.30; Телефон 78-47-25), **ВЛКСМ 30 йиллиги** (18.15, 20.30; Телефон 33-44-52), **Тинчлик** (18.30, 21.00), **Қозоғистон** (17, 18, 20, 21.00; Телефон 35-24-92).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-02), **Москва** (жуфт соатларда; Телефон 33-05-01).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Мир** (тоқ соатларда).

«ОҚ ҚОПЛОН АВЛОДИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт соатларда).

«ТУТСИ» — **Фестиваль** (21.30; Телефон 32-78-02).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Искра** (18, 20.00; Телефон 39-14-59).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00; Телефон 96-34-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; Телефон 48-46-71).

АЭРОФЛОТ

ҲУРМАТЛИ ПАССАЖИРЛАР!

ЁЗГИ ОТПУСКАЛАР ДАВРИ БОШЛАНДИ. АЭРОФЛОТ СИЗЛАРДАН ҲАВО ТРАНСПОРТИДАН ФОЙДАЛАНГАНДА САМОЛЁТЛАРДА МАЪН ҚИЛИНГАН ТЕЗ АЛАНГАЛАНУВЧИ, ПОРТЛОВЧИ, ЗАҲАРЛОВЧИ МОДДАЛАРНИ, ШУНИНГДЕК СИМОБНИ ҚЎЛДА ВА БАГАЖДА ОЛИБ КЕТМАСЛИКНИ СЎРАЙДИ.

Ана шу тартиб-қоиданинг бузилишига йўл қўймаслик учун аэропортларда пассажирларнинг қўлидаги ва багаждаги юклари кўрикдан ўтказилади.

Эсингизда бўлсин! Юкларни кўрикдан ўтказиш фақат учиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадларидагина амалга оширилади.

Кўрикдан бўйин товлаган пассажирлар ҳаво транспортига чиқарилмайди.

АЭРОФЛОТ ЭСЛАТИБ ЎТАДИ, ПАССАЖИРЛАР ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ЎЗЛАРИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ НОРМАДАН ОШМАЙДИГАН МИҚДОРДАГИ ЮКЛАРНИ (5 кг. қўл юки оғирлиги ҳам шу ҳисобга киради) БЕПУЛ ОЛИБ КЕТИШЛАРИ МУМКИН:

ИЛ-86, ИЛ-62, ЯК-42, ТУ-154, ТУ-134, АН-24, ЯК-40 САМОЛЁТЛАРИДА — 20 кг;

биринчи класс самолётларининг салонларида — 30 кг;

АН-2, Л-410 САМОЛЁТЛАРИДА — 10 кг:

Ҳар бир багаж эгаллайдиган жойнинг ҳажми 50х50х100 см.-дан ошмаслиги лозим.

Ҳаво транспортида ташиладиган юк бепул олиб кетиладиган нормадаги юк миқдоридан ортиқ бўлса, пассажирлар ортиқча юк учун, шунингдек самолётда телевизорлар, чанғилар, мотоцикллар, велосипедлар, уй-рўзғор буюмлари ва баъзи бир бошқа буюмлар, ҳайвонлар ва бошқа жонзотларни олиб кетаётганликлари учун белгиланган тариф бўйича ҳақ тўлайдилар.

Юкни самолётга топшираётганда албатта, унинг қийматини эълон қилиш тавсия этилади.

Қўл юкларининг бутлиги (багажга топширилмаган юклар) **ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш пассажирларнинг ўзларига ҳавола.**

АЭРОФЛОТ СИЗЛАРГА МАРОҚЛИ ПАРВОЗ ТИЛАЙДИ.

ҲАВО ЙЎЛЛАРИНИНГ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

УЛУҒ ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ

7-8 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

«ҒАЛАБА БАҲОРИ»

ЭСТРАДА ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Давлат хизмат кўрсатган

«ЯЛЛА» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ФАРРУХ ЗОКИРОВ.

БУТУНИТТИФОҚ КОНКУРСИ ЛАУРЕАТИ «САДО» ВОКАЛ-ЧОЛҒУ ГРУППАСИ

Бадиий раҳбар — ВЛАДИМИР БАРАМИКОВ.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг

ЭСТРАДА ВА СИМФОНИК МУЗИКА ОРКЕСТРИ.

Дирижёрлар — ДОНИ ИЛЕСОВ, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ЕВГЕНИЙ ЖИВАЕВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

РАЪНО ШАРИПОВА, ШАҲБОЗ НИЗОМИДДИНОВ.

Халқаро ва Бутуниттифоқ конкурсларининг лауреатлари:

НАТАЛЬЯ НУРМУҲАМЕДОВА ВА МАНСУР ТОШМАТОВ.

Бутуниттифоқ конкурсларнинг лауреатлари:

НАДЕЖДА ЧУРАДАЕВА ВА ПАВЕЛ БОРИСОВ.

Солистлар: Ҳуррият ИСРОИЛОВА ВА ИРИНА ПРАВОСУДОВА.

ПРОГРАММАНИ Литва ССР давлат мукофотининг лауреати ВЛАДИМИР ЛАПИН, Бутуниттифоқ конкурси лауреати РИФАТ ИСМАГИЛОВ ва ЛЮДМИЛА БЕССАРАБОВАлар олиб борадилар.

БИЛЕТЛАР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИ КАССАЛАРИДА СОАТ 14 ДАН 19.00 ГАЧА СОТИЛМОҚДА.

Фарғона область, Ўзбекистон район, К. Маркс номли 1-ўрта мактаб томонидан **Аҳмедов Асқарали** номига берилган 160661 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фармацевт, 1946 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер, кекса дорихона ходими

Анвар ҚОСИМХЎЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42,

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р—12297. **Индекс 64690. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.**